



STATE YOUTH POLICY IN THE SYSTEM OF INTERNAL AFFAIRS BODIES

Yusupov Yusupjon Matnazarovich

Chairman of the Youth Union Leaders Council of the Ministry of
Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Major

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17879715>

ARTICLE INFO

Received: 04th December 2025

Accepted: 09th December 2025

Online: 10th December 2025

KEYWORDS

Internal affairs bodies, youth
policy, crime prevention, legal
culture, state policy,
rehabilitation, social
adaptation, youth engagement
system, powers.

ABSTRACT

This article analyzes the legal foundations, essence, and practical mechanisms for implementing state policy on youth issues in the system of internal affairs bodies. Specifically, it examines the powers of internal affairs bodies as defined in Article 15 of the Law "On State Youth Policy," and the effectiveness of their activities in strengthening crime prevention among youth, their social rehabilitation and adaptation, and raising legal awareness and culture. The article also highlights modern approaches to working with youth in the system of internal affairs bodies, the role of preventive services, mechanisms of cooperation with other state bodies, and develops proposals and recommendations for addressing existing problems.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Юсупов Юсупжон Матназарович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ММИваКБТД Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши
райси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17879715>

ARTICLE INFO

Received: 04th December 2025

Accepted: 09th December 2025

Online: 10th December 2025

KEYWORDS

Ички ишлар органлари,
ёшлар сиёсати,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, ҳуқуқий
маданият, давлат сиёсати,
реабилитация, ижтимоий
мослашув, ёшлар билан
ишлаш тизими, ваколатлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ички ишлар органлари тизимида ёшлар масалаларига оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, мазмун-моҳияти ҳамда амалий механизмлари таҳлил қилинган. Хусусан, "Ёшлар ҳақида давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида белгиланган Ички ишлар органларининг ваколатлари, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, уларни ижтимоий реабилитация ва мослаштириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш борасидаги фаолиятининг



самарадорлиги ўрганилган. Мақолада, шунингдек, ИИО тизимида ёшлар билан ишлашнинг замонавий ёндашувлари, профилактик хизматнинг ўрни, бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик механизмлари ҳам ёритиб берилган ҳамда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги глобаллашув шароитида ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланиши, аввало, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти, ҳуқуқий маданияти, ижтимоий фаоллиги ва маънавий етуклигига боғлиқ. Айниқса, замонавий хавф-хатарлар, ахборот маконидаги таҳдидлар, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар кўринишининг мураккаблашиб бораётгани ёшлар билан тизимли ишлашнинг аҳамиятини янада оширмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикасида ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралади. Бу борада қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан бири — 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшлар ҳақида давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-406-сонли қонуни [1] бўлиб, унда ёшлар сиёсатининг тамойиллари, асосий йўналишлари ҳамда давлат органларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган.

Мазкур қонуннинг 15-моддаси Ички ишлар органларининг ёшлар сиёсатини амалга оширишдаги вазифалари ва ваколатларини белгилаб беради. Бу модда, аслида, ИИО тизимининг ёшлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, реабилитация ва ижтимоий мослаштириш жараёнларидаги ўрни қанчалик муҳим эканини кўрсатади. Чунки ИИО жамият хавфсизлиги, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, профилактика тизимининг бош бўғини ҳисобланади, ёшлар эса жамиятнинг энг фаол, лекин айти пайтда энг таъсирчан қатламидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ички ишлар органлари зиммасига қўйилган мазкур вазифалар нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга бўлиб, ёшларни ҳуқуқбузарликдан ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий онгини юксалтириш, жамият ҳаётига муносиб кириб боришини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, ИИО ёшлар масалаларига оид давлат сиёсати соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади, ҳудудларда ёшлар билан ишлашнинг амалий механизмларини шакллантиради. Бу эса профилактика фаолиятининг илмий асослашган, тизимли ва манзилли амалга оширилишини тақозо этади.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ИИО фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда профилактика инспекторлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган “Ҳуқуқий саводхонлик дарслари”, учрашувлар, тарғибот тадбирлари ёшларнинг жиноятчиликка кириб қолишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этишда муҳим ўрин тутмоқда. Ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, интернетдаги



зарарли ахборотлар, оилавий муҳитдаги муаммолар, ижтимоий-иқтисодий омиллар ёшлар хулқ-атворида бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис ИИО томонидан олиб борилаётган маърифий ишлар ёшларнинг онгини мустаҳкамлашга, уларни тўғри йўлга йўналтиришга хизмат қилади.

Хабарингиз бор, сўнгги саккиз йилда Президентимиз, мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида ички ишлар органларини чинакам халқчил тузилмага айлантиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бундан асосий мақсад – ҳар бир маҳаллани жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш орқали халқни рози қилишдир.

Ҳар галги видеоселектор йиғилиши ёки ҳудудларга ташрифлари давомида жойларда жиноятчиликни жиловлаш, маҳаллаларни хавфсиз ҳудудга айлантириш борасида яратилган шароитлар билан шахсан танишмоқдалар.

Бевосита маҳаллаларда аҳоли билан суҳбатлашиб, жойида яратилган шароитлар билан танишиб, оддий одамлар билан мулоқот қилиб, сектор раҳбарларига аниқ вазифаларни белгилаб бермоқдалар.

Буларнинг барчаси республикамиздаги криминоген вазият ва маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш масаласи Давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказларида эканлигидан далолат беради.

Президентимизнинг тинимсиз сай-ҳаракатлари натижасида яқин кўшни давлатлар билан алоқалар яхшиланди, халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Лекин, сўнгги вақтда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган урушлар, хавф-хатар ва таҳдидлар – барчамиздан огоҳликни, ҳушёрликни оширган ҳолда ишлашимиз лозимлигини талаб этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан мамлакатимизда ёшлар масалалари Давлат сиёсати даражасигача кўтарилди.

2024-йил - “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинганлиги ҳам ёшлар масаласи нақадар муҳим эканлигини аниқ кўрсатиб бермоқда.

Янги Ўзбекистон даврида Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 100 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Ҳар йили ёшлар ойлиги, форум ва фестивалларни ўтказиш ижобий анъанага айланди.

Мазкур форумлар давомида Президентимиз ташаббуси билан “Янги Ренессанс пойдеворининг бунёдкорлари – ёшлар” улуғвор ғояси асосида ёшлар билан ишлаш масаласи барчанинг асосий вазифаси ҳисобланмоқда.

Хусусан, ҳар бир маҳаллада, давлат идора ва ташкилотларда ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш учун “ёшлар етакчиси” лавозими жорий этилди.

Бугунги кунда ички ишлар органларида шахсий таркибнинг деярли 30 фоизини ёшлар ташкил этиши ҳамда тизимдаги таълим муассасаларида 7 мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар мавжуд ва уларнинг сони ҳар йили кўпайиб бормоқда.



Хабарингиз бор, саккиз йил ичида ички ишлар органларида ёш кадрлар билан ишлаш бўйича ўзига хос тизим яратилди.

Хусусан, барча ҳудудий ички ишлар органларида Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари ҳамда Вазирликда Етакчилар кенгаши ташкил этилди.

Шунингдек, ёш ходимлар билан ишлаш бўйича алоҳида лавозимлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан қўшма қарор қабул қилинди[3]. Қайд этиш лозимки, тизимдаги ёш ходимлар ўртасида жорий йилнинг ўтган даврида 7 091 маротаба конференция, семинар-тренинг, танлов, мусобақа ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

2021 йилдан бошлаб, ички ишлар органларида июнь ойи – “Ёшлар ойлиги” деб эълон қилинди ва энг фаол ёш ходимлар иштирокида “Ёш ходимлар форуми” ўтказилиши йўлга қўйилди.

Ёш ходимлар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва истеъдодларни кашф этишга қаратилган “Энг фаол ёшлар етакчиси”, “Тўмарис издошлари”, “Заковат”, “Ёш китобхон”, “Қувноқлар ва Зукколар”, “Аждодлар изидан”, “Ҳарбий эстафета”, “Жанговар марш” каби турли танлов ва мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

520 нафар ёш ходимлар профессионал спорт билан доимий равишда шуғулланади. Уларнинг 286 нафари халқаро ва миллий тоифадаги “спорт устаси” даражасига эришган.

Мисол учун, Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган “Профессионал бокс” Дабл Ю Би Эй - WBA) бўйича ўйинида Тошкент вилояти махсус отряд ходими Исроил Мадримов “жаҳон чемпиони”га айланди.

Ёки, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Бокс” бўйича жаҳон чемпионати ва Осиё ўйинларида Тошкент шаҳар махсус отряд ходими 23 ёшли Абдумалик Халоқов 1-ўринни олиб, “Жаҳон ва Осиё чемпиони”га айланди. Қозон шаҳрида ўтказилган “Жанговар самбо” бўйича халқаро мусобақада Фарғона вилояти махсус отряд ходими 27 ёшли сержант Лутфилла Сайдаматов “олтин медални” қўлга киритди. [2]

Бу каби ёшларни қилган меҳнати, эришган ютуқларига яраша рағбатлантириш, улар орасидан билимли, ҳалол ва жонкуяр ходимларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш жуда муҳим вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ҳудудий ички ишлар органларида 193 нафар ёшлар турли раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, 350 нафардан ортиқ ёш ходимлар истиқболли ёш раҳбар кадрлар захирасига киритилди.

Ҳар йили деярли 3 минг нафарга яқин ёшлар ички ишлари органлари хизматига қабул қилинади Уларни хизматга мослашиб, касб сирларини ўргатиш учун “мураббийлик институти” қайтадан йўлга қўйилди.



Бу борадаги ишларда фаол иштирок этаётган ходимларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш мақсадида, илк маротаба “Йилнинг энг яхши мураббийи” ва “Энг фаол фахрий ходим” кўрик-танловлар ташкил этилди.

Умуман олганда, ўтган даврда хизмат вазифаларини намунали бажарган ва тенгдошларга ўрناк бўлган 3 мингдан зиёд ёш ходимлар рағбатлантирилди.

Ички ишлар вазирининг тегишли **фармойишига** мувофиқ, ички ишлар органлари тизимида **июнь ойи** – “**ЁШЛАР ОЙЛИГИ**” деб эълон қилиниб, тасдиқланган дастурга мувофиқ ойлик доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, 30-июнь – “**Ёшлар куни**” муносабати билан “Халқаро конгресслар саройи”да ташкил этилган “**ПРЕЗИДЕНТ ВА ЁШЛАР**” учрашувида ҳамда “Халқаро форумлар саройи”даги асосий байрам тадбирларида ички ишлар органлари ёш ходимларининг бевосита иштироки таъминланди. Бунда, Давлат раҳбари томонидан ёш ходим Жандреев Шермухаммад “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан шахсан тақдирланди.

Навоий вилоятида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ёш ходимлар иштирокида “**Ички ишлар органлари ёш ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг V республика ёшлар форуми**” ташкил этилди.

Форум доирасида “**Жанговар марш**”, “**Энг яхши парамедик**”, “**Энг яхши ёшлар жамоаси**”, “**Тактик триатлон**” ва “**Заковат ҚУИЗ**” жамоавий танлов ва мусобақалари, шунингдек, хорижий полиция тузилмаларининг илғор тажрибалари маҳаллий шароитда синовдан ўтказилди. Амалий малака ошириш курслари ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Республика бўйича **1 000** нафардан ортиқ ёш ходимлар бевосита иштирок этган **8** та турдаги танлов ва мусобақалар юқори савияда ташкил этилиб, Тошкент шаҳар, Тошкент, Андижон ва Навоий вилоятларида финал босқичлари ўтказилди ҳамда ғолиблар қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Жумладан, илк маротаба **санъат соҳасида** жонли ижродаги истеъдодли ва иқтидорли бўлган ёш ходимларни аниқлашга қаратилган “**Осойишталик овози**” танлови ташкил этилиб, тизим имижини ошириш мақсадида **янги телекўрсатув** шаклида тасвирга олинди.

Шунингдек, замонавий **кибер технологиялар** билан “**Страйкбалл**” амалий ўқ отиш машғулотларини бирлаштирган “**Келажак ўйинлари**” мусобақаси ТВБСО ходимлари билан ҳамкорликда жанговар-жисмоний тайёргарлик машғулотлари кўринишида ўтказилди.

Ёш ходимларнинг таклиф ва ташаббусларини бевосита эшитиш мақсадида, **Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари** томонидан “**Раҳбар ва ёшлар**” учрашувлари ташкил этилди. Ўз навбатида, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар бошлиқлари томонидан **156** маротаба ёшлар билан **очиқ мулоқотлар** ўтказилди.

Шунингдек, ички ишлар вазирининг тегишли буйруғи билан **36** нафар ёш ходимлар Вазирликнинг **идоравий мукофотлари** билан тақдирланди. Ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳам **1 911** нафар ёш ходимлар,



уларнинг ота-оналари ва устозлар турли даражада мукофотланди, **15** нафари лавозимда кўтарилди, **191** нафарининг интизомий жазолари рағбатлантириш тариқасида муддатидан олдин бекор қилинди, **14** нафари “хавф гуруҳи”дан чиқарилди.

Ижтимоий ҳимоя йўналишида ёш ходимларга янги уй-жой харид қилишлари учун **4** нафарига дастлабки бадал пуллари тўлаб берилди, **60** нафарига яшаш шароитини яхшилаш учун фоизсиз қарз ва **120** нафарига моддий ёрдам ажратилди, **23** нафарининг даволаниш ҳамда **72** нафарининг тўй маросимлари харажатлари қоплаб берилди.

“Беш ташаббус” лойиҳаси доирасида ёш ходимлар иштирокида **1 141** та спорт мусобақалари, интеллектуал танловлар, киберўйинлар, эстафета ва марафонлар ўтказилди.

Жанговар тайёргарлик йўналишида ёш ходимлар иштирокида **65** та “Энг яхши мерган” мусобақаси, **261** та ўқотиш ва жанговар машғулотлар, **144** та фавқулодда ва ностандарт вазиятларда тўғри ҳаракатланиш, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича **амалий ўқув курслари** ташкил этилди.

Маънавий-маърифий йўналишда ёш ходимлар иштирокида **2 088** та турли форум, фестиваль, акция, “уч авлод учрашувлари”, семинар-тренинг, китобхонлик ва бошқа тадбирлар ташкил этилди, шунингдек, **1 435** маротаба театр, кино, музей, концертларга ва тарихий шаҳар (обида)ларга ташрифлар, пресс-турлар ҳамда туристик саёҳатлар амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги **Республика ўрта-тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази** билан ҳамкорликда илк маротаба “Фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш” мавзусида **махсус амалий тиббий ўқув курси** ташкил этилиб, имтиҳонларни муваффақиятли топширган ёш ходимларга тез тиббий ёрдамга тайёрлиги бўйича **сертификатлар** тақдим этилди.

Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги **Ёшлар ижод саройида 500** нафар ички ишлар органлари ходимлари учун **замонавий янги электрон платформалар – “Мутолаа”, “Ибрат фарзандлари”, “Устоз AI”, “Қизлар академияси”** лойиҳаларининг тақдимотлари ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки масъул раҳбарлари томонидан ёш ходимларга **“Янги Ўзбекистон бунёдкорлари”** мавзусида юртимизда **Давлат раҳбари** томонидан ёшларга яратилган иқтисодий имкониятлар, мавжуд молиявий ресурслар, халқаро тажриба ва келгуси режалар ҳақида **амалий дарс машғулоти** ўтказилди.

Келгусида ҳам тизимда ёшлар сиёсатини янада ривожлантириш, ёш истеъдодларни қўшимча қўллаб-қувватлаш, уларнинг таклиф ва ташаббусларини амалга ошириш мақсад қилинган.



References:

1. Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшлар ҳақида давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-406-сонли қонуни. Электрон манба: <https://lex.uz/acts/3026246>. Мурожаат вақти: 10.12.2025 й.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ММИваКБТД Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши маълумотномаси.
3. ИИБ ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2021 йил 26 июндаги 44/12-сон “ИИБ тизимидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори